

Ўзбекистонда чуқур босма санъатининг ривожи ва муаммолари

Хусаинов Носирджон Туйчиевич

Доцент, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институт "Миниатюра ва китоб графиками," кафедраси

ARTICLE INFO.

Калим сўзлар: Ўзбекистон, офорт, графика, композиция, глобал, эстамп, чуқур босма.

Annotation

Ушбу мақолада “Офорт” санъати, унинг тасвирий санъатда тутган ўрни, Офорт санъатини аввал Европада пайди бўлиб, Россияга ўтиб у ерда ривожиланиб кегинчалик. Ўзбекистонга 1960-90 йиллар оралиғида офорт санъатни кириб келиши тарихи, бу санъат тури билан фаол шуғулланган рассомлар ижодий ишлар намуналар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кунлик ижодкор – бу санъаткордир,

Ижодкор санъаткор – бу рассомдир.

Санъатнинг энг ижобий ва муҳим хусусияти шундаки, у фандан фарқли ўлароқ воқеа ва ҳодисаларни тушунчаларда эмас, балки сезги ва хис билан идрок қилинадиган шаклларда, типикбадиий образларда ифодалайди. [5]

Санъат жуда қадимги тарихга эга бўлиб, у жамиятнинг меҳнат фаолиятини ривожланиши, такомиллашуви ва ижтимоий фаолиятининг тараққиёти асосида шаклланди. У моддий ишлаб чиқаришни жамиятнинг иқдисодий тузуми ва меҳнат муносабатлари, қуролларини такомиллашувидан, жамият онгининг эволюцион тараққиёти жараёнида вужудга келди ва ривожланди. Синфий жамиятнинг вужудга келиши билан санъат ҳам синфий характерга ўтди. [6]

Ҳар бир жамиятда турли синфлар мавжуд бўлганидек, ўша жамиятнинг санъатида ҳам турли синфлар манфаати, сиёсати, дунё қарashi ва аҳлоқини ҳимоя қилди ёки уни рад этди.

Станокли графика санъати - мустақил характерга эга бўлиб, у илғор-прогрессив ғояларни, фикртуйғуларни илгари сурадиган, мустақил ҳолдаги яратилган санъат асарига айтилади.

ОФОРТ⁶. Тасвир металл пластина (тахта)га кислота таъсириш йўли билан ҳосил қилинади. Кислотага чидамли лок билан рух ёки мис пластина юзаси маҳсус ясалган игна билан металл юзасини тирнаб (пластиинкани ўйилмайдиган қисмини мўйқалам билан маҳсус локда беркитиб, кислота ёрдамида бекилмай қолган жойлари ўйилади), тасвир чизиклари ҳосил қилинади. Сўнг пластиинадаги ўйилган жойлари (босма элементлари) кислота таъсирида керак бўлса яна чукурлаштирилади. Бу жараённи бир неча маротаба такрорлаб, керакли даражадаги туслар жил-vasinini ҳосил қилиш мумкин. Маҳсус босмахона бўёқ билан (тахтани) ўйилган қсмига тўлғизиб чиқиб, юқори босим таъсирида қоғозга нусха кўчирилади. Бу усул рангли босмада ҳам ишлатилади. [Ўз.М.Э.1.284 б.]

Офорт⁶.(*forte-françuz тилидан таржима қилинган*" кучли ароқ ") деган маънони англатади азот кислотаси металлни "травления" ўйишда ишлатилади. Чуқур босманинг бир тури.

Офорт - графика техникасининг чуқур ўйилган тури бўлиб, метал тахтада босма олиш услубидир. Шундай қилиб, офорт техникасини ўйишда (рух металл учун) азот кислотаси (мис учун) темир хлорид қўлланади Биринчи мартда кислота билан “зарб” босма олиш усули 1501 йилда Augsburg устаси Даниел Хопфер томонидан ишлатилган. Худди шу вақт ичидаги яна бир рассом Альбрехт Дюрер пўлат тахта ёрдамида олтига офортни ишлайди. [2.79. б.]



Даниел Хопфер офорти



Альбрехт Дюрер офорти



Ушбу " гравюра" пўлат плиталардан фойдаланганлар. Бироқ, XV асрнинг биринчи ярмида мисга ишлов бериш техникаси маълум бўлди, шундан кейин бу металл узоқ вақт ўйма учун ишлатиладиган асосий металлга айланди.

Офорт санъат тури сифатида, факат XVII асрда энг гуркираган даври эди. Айни пайтда ушбу техникадан асосан француз, Итаян ва Голланд усталари фаол фойдаланадилар. Голландияда ушбу турдаги асарларни ҳатто ҳақиқий рангтасвир билан тенглаштирилади. Рембрандт Харменс ван Рейн (1606-1669) томонидан офорт қилишни ривожлантириш ва уни алоҳида эътироф этишга катта ҳисса қўшди. [2.82.6]



Гоянинг офорти



Рембрандт офорти

Бу даврда Ўарбий Европада рангтасвир ва чизматасвирдан ташқари гравюра ҳам ривожланиб борган. Немис усталари қиррали ва офорт ўймакорлигига катта эътибор беришди. Лейденлик Луқо (1494-1533) Голландия ва Фландрияда санъатнинг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Рембрандт ван Рейн шунингдек, кўплаб замондошлари рангтасвир ва гравюрада асарлар ишлашган. У ўз чизмаларини мисга офорт ўймакорлиги техникасида кўплаб таржриба ишлар қилди. Буюк Голланд рассоми Рембрандт ван Рейн (1603-1669)"новатор" янгилик киритувчи бўлиб, санъатнинг кейинги ривожланишини давом эттиреди. Рангтасвирда ҳам, графикада ҳам дурдона асарлар яратган. Барча техникалар ичидан у металга ишлашни танлади.

XVIII аср франсуз санъатида А. Ватто, Ф. Буше, О. Фрагонард каби рассомларнинг нафис офорtlари билан бирга репродуксион офорtlар ҳам фаол ривожланган. XVIII асрда асл нусхаларни учун офорт ишлатилган, аммо XVIII асрда офорт билан қўпайтириш янада кенг қўлланила бошланди. Бунга санъат асарларини кенг қўпайтириш, оммалаштириш, кўплаб нашрларнинг пайдо бўлиши зарурати сабаб бўлди. Кўпайтиришнинг янада фойдали ва мукаммал воситаларини излаш туфайли техникалар иш усуллари бир қатор кашфиётлари билан бойитилди. [4.]



A. Ватто офорти



Ф. Буше, офорти

Шундай қилиб, XVIII аср давомида янги офорт ишлаш техникаси ихтиро қилинди, ижодий ва репродукция офортлар бунга мисол бўлади. XVIII- XIX асрларнинг ўз навбатида, машхур Испан рассоми Ф. Гоянинг офортларнинг пайдо бўлиши офорт ишлаш тарихида муҳим воқеа бўлди. Ўзининг эҳтиросли ва мукаммал офортлари билан у келажак авлодлар учун чинакам ижодий ривожлантириш усулларини намоён қилди. [5.]

Россияда офортнинг келиб чиқиши "Оружейной палата" рассоми Симона Ушаковнинг номи билан боғлиқ бўлиб, у 1663 йилда - "Учбирлик" ва "Етти ўлик гуноҳкор"офортида бжарилган. Пётр I, 1698 йилда Амстердамда бўлиб, офортни Шхонебекнинг устахонасида бир нечта офортни ишлади ва гравюра санъатини ривожлантириш тўғрисида фармон бериб Шхонебек ва Писардни Голландиядан Россияга ўқитувчи сифатида таклиф қилди.

Россияда офортни ривожлантириш учун янги рағбат 1871 йилда "Россия Аквафортистлари жамияти" ташкилоти эди. Бир гурӯҳ илғор рассомлар бадиий босма орқали санъат асарларини кенг тарқатиш ва оммалаштиришга бирлашдилар. Крамской, Ге, Мясоедов, Савицкий ва Шишкин Гравюралар албомларини чиқаришда фаол иштирок этишди.



Симон Ушаковнинг офорти



Шишкин офорти.

Жамият фақат бешта албом чиқарди, кейин ажralиб чиқди, чунки кўплаб рассомлар фақат рангтасвир расмларини кўпайишдан қониқишимади. Жамиятнинг барча аъзоларидан Шишкин юздан ортиқ гравюрани маҳорат билан ижро этган офорти энг буюк баркамолликка ва энг буюк ижодий мустақилликка эришди. Офорт техникаси билан Репин, Поленов, Маковский, Васнецов, Махимов ва бошқалар каби машхур рассомлар ишлаган.

1894 йилда бадиий Академияда графика устахонасини ташкил этиш мұхым воқеа бўлди, унинг раҳбари гравюра устаси ва ажойиб ўқитувчи В. В. Матэ эди. У ўз атрофига истеъодли ёшларни бирлаштиришга муваффак бўлди. Россиялик рус рассоми В. А. Серов рус офорти тарихига профессиональ ва чинакам ажойиб уста сифатида кириб келди. У Матэ томонидан рус санъатида энг яхши гравюраларни яратган Серовни офорти санъати билан ҳайратга солғанлиги билан катта ҳурматга сазовор бўлди.



B. A. Серов офорти



B. B. Матэ офорти.

Ўзбекистонда офорти XX аср 50-60 йилларда кириб келди. Биринчи бўлиб О.В. Кедрин, А.Ошайко ва бошқалар ижоди билан бойиди. Офорти санъати 70-90 йилларда жуда гуллаб яшнади. [Ўз.М.Э.1.284 б.]



A. Ошайко офорти



I. Вохитов М. Шевердин "Бонг" 74

Офорти санъати 70-90 йилларда Ўзбекистонда графика санъати жуда яхши ривожлана бошланди. Қ.Башаров, М.Кагаров, И. Вохитов, А. Кива, В.Апухтин, П.Анненков, Ф.Бойматов, Л. Ибрагимов, А.Мамажонов, А. Бабров, М.Содиков, Б.Исмоилов, С.Редкин, С.Исоқов, И.Васильев, Л.Тиора, Л.Зуфари, Т.Аюпов, Т.Ахмадалиев, Ю. Алигер, Р.Азизов, А.Лигай, М.Фозилов кабилар катта ижод йўлини босиб ўттилар.



A.Кива X.Ғуломов “мангулик”77



B. Анухтин A. Навоий “Маҳбуб кулуб 81

Ўзбекистон Мустақиллика эришгандан сўнг офорт санъат турига эътибор пасайди. Умид қиласизки, кекса авлод устозлигига баркамол авлод бўлган ёш мусавирлар дунё миқёсида танилиб, офорт мактабининг ривожида ўзларининг катта хиссасини қўшади. «Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янги-янги ютуқларни қўлга киритаётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъодод эгалари кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболидан далолат беради»-дайди бу ҳақда юртбошимиз. Навқирон рассомларимизга, бири-биридан гўзал асарлари билан нафақат юртимиздаги балки жаҳон музейларида ҳам ўз қўргазмаларини ташкил этиб, офорт мактаби анъаналарини давом эттиришини тилаймиз.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ihdd n. ziyouz.com.(284 б.)
2. Н.Т. Ҳусанов. Ашёда ишлаш/Услубий қўллама. - Тошкент, 2022.
3. Мусавир ва китоб Ғофур Ғулом наширёти 1987 й.
4. Офорт: история возникновения разновидности <http://galamosaic.ru/ru/mediateka/detail.php?id=408>
5. Офорт Материал из Википедии — свободной энциклопедии <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
6. Станокли графика санъати - Тасвирий санъат Ва Уни...
uz.denemetr.com/docs/768/index-286704-1.html...